

ИНФОРМАТИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ КУРСИНИ ЎҚИТИШДА НОАНЪНАВИЙ ШАКЛЛАР ВА МЕТОДЛАРНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8059936>

Зухритдинова Шахноза Шералиевна
АДУ академик лицейи информатика ўқитувчиси

Аннотация

Уибу мақолада, академик лицейларда информатика ва ахборот технологиялари курсини ўқитишида ноанъанавий шакллар ва методлар ёритилган. Бунда Информатика ва ахборот технологиялари курсини ўқитишида ноанъанавий шакллар ва методларнинг умумий тавсифи, Информатика ва ахборот технологиялари курсини ўқитишида ноанъанавий шакллар ва методларни ишлаб чиқиши, Информатика ва ахборот технологиялари курсини ўқитишида ноанъанавий шакллари ва методлардан фойдаланиши методикаси кабилар бўйича маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар

информатика, ахборот, шакл, метод, фаоллик, илмийлик, билим, кўникма, малака, талаба.

ОБЩАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА НЕТРАДИЦИОННЫХ ФОРМ И МЕТОДОВ ПРЕПОДАВАНИЯ КУРСА ИНФОРМАТИКИ И ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ.

Аннотация

В данной статье выделены нетрадиционные формы и методы преподавания курсов информатики и информационных технологий в академических лицеях. Содержит информацию об общем описании нетрадиционных форм и методов в преподавании курса «Информатика и информационные технологии», развитии нетрадиционных форм и методов в преподавании курса «Информатика и информационные технологии», методике использования нетрадиционных форм и методов преподавания курса «Информатика и информационные технологии» и др.

Ключевые слова

информатика, информация, форма, метод, деятельность, наука, знание, умение, квалификация, студент.

GENERAL DESCRIPTION OF NON-TRADITIONAL FORMS AND METHODS IN TEACHING THE COURSE OF INFORMATICS AND INFORMATION TECHNOLOGIES.

Annotation

In this article, non-traditional forms and methods of teaching informatics and information technology courses in academic lyceums are highlighted. It contains information on the general description of non-traditional forms and methods in the teaching of the Informatics and Information Technologies course, the development of non-traditional forms and methods in the teaching of the Informatics and Information Technologies course, the methodology of the use of non-traditional forms and methods in the teaching of the Informatics and Information Technologies course, etc.

Key words

informatics, information, form, method, activity, scientific, knowledge, skill, qualification, student.

КИРИШ.

Информатика ўқитишида дидактик тамойиллар ўқитиши назариясининг бошланғич қоидалари бўлиб, ўқитувчи ўқув жараёнини ташкил этишда уларга амал қилиши керак.

Ўқитиши тамойилларига қуидагиларни киритиш мумкин:

- фаоллик тамойили;
- ўқитишида назария билан амалиётнинг боғлиқлиги тамойили;
- кўргазмалилик тамойили;
- ўқитишининг тарбияловчи характеристики тамойили;
- илмийлик тамойили;
- ўқитишида мунтазамлилик ва изчиллик тамойили;
- ўқитишининг тушунарли бўлиши тамойили;
- билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришнинг пухталиги тамойили.

Фаоллик тамойили. Талабалар ҳар бир дарсга фаол қатнашиши керак. У ўзи ҳаракат қилган тақдирдагина яхши ўрганади ва ўзлаштиради.

Назариянинг ўқитиши амалиёти билан боғлиқлиги тамойили. Талабаларни амалий фаолиятга тайёрлаш назарий билимлар бериш жараёнида бошланиб, тажриба ва амалий машғулотларда давом этади. Бу машғулотларда талабалар ўқитувчи раҳбарлигига амалиёт жараёнида олинган билимларнинг ишонарли эканлигини текширадилар,

мустаҳкамлайдилар ҳамда уларда ана шу билимларни амалда қўллаш кўнижмалари ва малакалари ҳосил бўлади [1-5].

Кўргазмалилик тамоӣили. Ўқитишининг кўргазмалилиги шуни тасдиқлайдики, агар талабаларда ўрганилаётган жараёнларни бевосита идрок қилиш билан боғлиқ муайян хиссий амалий тажриба бўлган тақдирдагина улар билимларни онгли суратда ўзлаштирадилар ҳамда уларда илмий тасаввур ва тушунчалар ҳосил бўлиши мумкин.

Билимларни иложи борича кўргазмали ва реал ҳаётга яқин қилиб тадбиқ этиш - тилнинг тушунарлилигини ва ўқитиши жараёнида аудио-видио ва замонавий мултимедиа воситаларидан фойдаланишни талаб қиласди.

Ўқитишининг тарбияловчи характери тамоӣили. Ўқитиши тарбиялаш жараёнлари бир-бирига узвий боғлиқ. Тарбия орқалигина инсон ўз шахсини англаб этади, ўз-ўзини англаған кишигина ўз қобилияtlари ва имкониятини билган ҳолда эҳтиёжини шакллантириш зарурлигини тушунади.


Илмийлик тамоӣили. Талабаларга ўрганиш учун илмий жиҳатдан асосланган, амалда синаб кўрилган маълумотлар берилшини талаб этади. Уларни танлаб олишда фан ва техниканинг энг янги ютуқлари ва кашфиётларидан фойдаланиш керак. Илмий билимларни эгаллаш жараёнида талабаларда илмий дунёкараш, тафаккур ривожланади. Талабалар ўрганаётган билимлар назарий жиҳатдан тасдиқланган ва амалда синалган бўлиши керак.

Ўқитишида мунтазамлилик ва изчиллик тамоӣили. Ўқитишини шундай ташкил қилишни талаб этадики, бунда фанларни ўқитиши қатъий мантиқий тартибда олиб борилади, талабалар билим, кўнижма ва малакаларни изчиллик билан эгаллаб борадилар. Ушбу тамоӣил ўқув жараёнининг барча бўғинларида амалга оширилади. Унинг талаблари дарсликлар ва дастурларни тузишда ўз аксини топади [6-10].

Ўқитишини тушунарли бўлиши тамоӣили. Ўрганилаётган ўқув материалининг мазмуни, ҳажми ва ўқитиши методлари ўқувчиларнинг ёшига, интеллектуал қувватига мос бўлишини талаб этади. Ўқитишининг тушунарлилиги ўқувчи имкониятларининг энг юқори чегараси ва уни астасекин ошириб бориш билан белгиланади.

Билим, кўнижма ва малакаларни ўзлаштиришининг пухталиги тамоӣили. Назарий ва амалий таълим жараёнида ўқувчилар ўзларининг бўлажак касбий фаолиятлари учун керак бўладиган билим, кўнижма ва малакаларни эгаллаб борадилар. Ҳосил бўлган билим, кўнижма ва малакаларнинг келгусида илмий билимлар тизимини ўзлаштириб олишда асос бўлиб хизмат қилиши учун

улар пухта ўзлаштирилган, яхши мустаҳкамланган бўлиши ва ўкувчиларнинг хотирасида узоқ вақт сақланиши керак.



1 - расм. Ўқитиш тамойиллари.

Информатика фани дидактикаси ва ўқитиш методикасида асосий ўринлардан бирини ўқитиш методи эгаллади.

АСОСИЙ ҚИСМ.

Ўқитиш методи (грекча методос - бирор нарсага йўл) - таълим ва тарбия воситаси сифатидаги ўқитиш мақсадларига эришишга йўналтирилган ўқитувчи ва ўкувчининг бир-бири билан боғланган фаолиятининг тартибланган усусларидир.

Ўқитиш жараёни мураккаб ва кўп қиррали бўлганлиги туфайли ўқитишининг турли-туман методлари мавжуд.

Хозирги кунда академик Бабанский Ю.К. тавсия этган таснифлаш кенг тарқалган. Унда ўқитиш методларининг учта катта гурухи алоҳида ажратилган:

- ўқув - билиш фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш методлари;
- ўқув - билиш фаолиятини назорат қилиш ва ўз-ўзини назорат қилиш методлари;
- ўқув-билиш фаолиятини рағбатлантириш ва мотивация методлари.

Ўқув-тарбия жараёнида ўқитиш методлари асосида қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

- ✓ ўргатувчи;

- ✓ ривожлантирувчи;
- ✓ тарбиявий;
- ✓ истак туғдирувчи ёки мотивация;
- ✓ назорат коррекцион.

Ўқитувчи ўкув жараёнида қуидаги ўқитишнинг методларидан фойдаланиши мумкин:

- ✓ Ўқитиша ўқувчининг харакатлари тавсифига кўра:
- ✓ актив (фаол) методлар (лабораторияда, китоб билан ишлаш)
- ✓ пассив методлар (маъруза сухбат, тушунтириш, экскурсия ва х.к.)
- ✓ Ўқув ишининг турларига кўра:
 - ✓ билимларни дастлабки ўзлаштириш методи;
 - ✓ билимларни такомиллаштириш методи;
 - ✓ билимларни текшириб кўриш ва баҳолаш методи;
 - ✓ Билим манбаларига кўра:
 - ✓ оғзаки методлар;
 - ✓ кўргазмали методлар;
 - ✓ амалий методлар.

Ўқитиш методлари ўкув жараёнини амалга ошириш, яъни ўқитиш ва ўқиш усуллари бўлганилигидан, ҳар бир методни икки томондан - ўқитувчи фаолияти ва ўқувчилар фаолияти нуқтаи назаридан қараш керак. Бунинг учун ўқитиш методларини билим манбалари бўйича кўриб чиқайлик [11-15].

Оғзаки методлар. Агар ўқувчилар асосий ўкув ахборотини ўқитувчининг ўкув мулоҳазалари ва исботлари жараёнида ёки дарслик мавзулари асосида олсалар, бундай методлар оғзаки методлар (тушунтириш, ҳикоя, сухбат ва х.к.) жумласига киради.

Оғзаки методлардан фойдаланиш муваффакиятининг асосий кўрсаткичлари ўқувчиларнинг янги билимларни эслаб қолишилари ва айтиб бера олишларидир.

Ўқувчи ўқитувчининг тушунтириш мантиқига қанчалик яқинлашса, материални шунчалик муваффакиятли ўзлаштиради. Оғзаки методлардан асосан янги материални ўрганиш пайтида фойдаланилади ва билимларни эгаллашнинг бошқа усуллари билан қўшиб олиб борилсагина, улар таълимда яхши самара беради.

Кўргазмали методлар деганда, таълим жараёнида қўлланиладиган кўргазмали қуроллар, ахборот-коммуникация технологиялари ва воситаларига қўп даражада боғлиқ бўлган ўкув материалини ўзлаштириш шакллари тушунилади.

Таълимнинг бундай методларидан фойдаланилганида ўкувчиларнинг билиш фаолияти кўргазмали воситалар ёрдамида шаклланадиган ёки эсга туширадиган ҳиссий образларига, тасаввурларга боғлиқ бўлади. Кўргазмали қуроллар билимларни тартибга солиш ва бойитишга, шунингдек, ўкувчиларнинг фикр юритиш фаоллаштиришга ёрдам беради.

Таълимнинг кўргазмали методлари ўкувчиларнинг билим фаолиятида образли ва мантиқий, аниқ ва мавхум, ҳиссий ва ақлий жиҳатлар нисбатини чуқур тушунишни талаб этади.

Амалий методлар. Назорат ва мустакил иш топшириклари, амалий-лаборатория ишлари асосида ўкув материалини эгаллаш кўринишлари таълимнинг амалий методлари жумласига киради. Ана шу методлар ёрдамида амалий кўникма ва малакалар шакллантирилади [16-20].

Кўникмани эгаллашнинг муваффақияти уни шакллантириш шароитининг қўйидаги шартларига боғлиқ:

- ✓ кўникма нима мақсадда шакллантиришини англаш;
- ✓ машқлар мунтазам бўлиши керак, яъни унинг қийинлик даражаси бирин-кетин ошиб бориши лозим;
- ✓ амалий ҳаракатлар англанган ҳолда бажарилиши лозим;
- ✓ дастлабки амалий ҳаракатлар ва жараёнларга пухта тайёрланиш, яъни ўкувчилар назарий билимларни яхши эгаллашлари лозим;
- ✓ машқларни мустакил бажариш ва ўзини - ўзи назорат қилиш;
- ✓ бажарилган назорат топшириклар, амалий ишларни таҳлил қилиш ва баҳолаш.

✓ Ўқитувчининг ўқитиш методларини танлаши қўйидаги ҳолатларга боғлиқ:

- ✓ дарсдан кўзда тутилган ўкув мақсадларига;
- ✓ ўрганиладиган фаннинг мазмуни ва дарснинг муайян материалига;
- ✓ ўқитувчининг тайёргарлик даражаси ва шахсий тажрибасига, педагогик маҳоратига боғлиқ.


Ҳар тамонлама камол топган юқори салоҳиятли педагогик кадрлар тайёрлаш масаласи аввало ўқитиш жараёнида ҳосил қилинади.

Ўқитииш жараёни - педагогнинг ва у раҳбарлик қилаётган ўкувчиларнинг билим, кўникма ҳамда малака тизимини онгли равишда ва пухта ўзлаштиришга қаратилган изчил ҳаракатлари мажмуудан иборат.

Ўқитиши - ўқитувчининг ўқувчиларга билим, қўнишка ва малака тизими бериш, уларнинг билими ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш борасидаги фаолиятидир.

Ўқииш - ўқувчиларнинг ўқув фани материалини ўзлаштириш борасида қиласидан мунтазам ва онгли меҳнати.

Ўқитиши жараёни 2-расмда кўрсатилган кетма-кетликда амалга оширилади.




2 - расм. Ўқитиши жараёни нинг изчилиги.

Ўқитишининг ташкилий шакллари деганда ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро муносабатларини ташкил этиш йўллари тушунилади.

Ўқитишининг ташкилий шакллари бир қатор мезонлар бўйича таснифланади: ўқувчилар сони, ўқиш жойи ва бошқалар [20-25].

Ўқувчилар сони мезони бўйича тасниф 3-расмда келтирилган.



3-расм . Ўқитишининг ташкилий шакллари.

Мисоллар: Ўқувчиларнинг индивидуал фаолиятини назарда тутувчи шаклларга - информатикадан мустақил ишлар бажариш; гурӯҳли шаклларга - компьютер синфида амалий машғулот ўтказиш; фронтал шаклларга - маъруза машғулотлари ўтказиш.

Ўқиши жойи мезони бўйича ўқитишининг таълим муассасасида - синфхона, лаборатория, компьютер синфида ишлаш ва таълим муассасасидан ташқари - уй вазифаларини бажариш, экскурсиялар ва бошқа шакллари мавжуд.

Ривожланган мамлакатлар таълим жараёнида ўқитишининг гурӯҳли шакли билан иш олиб бориш тавсия этилган. Замонавий тадқиқотлар ўқитишининг ушбу шакли ўқувчилар орасидаги салбий муносабатларнинг олдини олишнинг самарали воситаси эканлигини кўрсатмоқда.

Замонавий ўқитиши жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги муносабатларни ифодаловчи талабаларнинг ҳамкорликда таълим олишлари методи яратилади. Ушбу методика қўйидаги вазифаларни белгилайди:

профессор-ўқитувчилар жамоасининг педагогик - психологик савиясини ўстириш ва компьютер саводхонлигини замонавий тармоқларидан фойдалана оладиган даражага қўтариш;

талабалар ўқув-методик комплексини яратиш;

талабаларни 3-6 тадан қилиб майда гурӯҳларга бўлиш, бунда талабаларнинг хусусиятлари, қобилиятларига таяниб, кучли, ўртача, кучсиз қилиб танланади, талабаларнинг бир-бирига психологик мослиги хисобга олинади;

кичик гурӯҳдаги ҳар бир талаба (ўқувчи) индивидуал кўрсаткичи (билим даражаси) аниқланади ва унга мос индивидуал ишлар белгиланади;

кичик гурӯҳда талабаларнинг бир-бирига ёрдам бериши, кучли ўқувчининг бошқа ўқувчиларга ёрдам беришига масъулият юклатилиши, талабаларнинг индивидуал кўрсаткичининг ўсиши вақти-вақти билан муҳокама қилинади ва чора- тадбирлар белгиланади [26-30].

Талабаларнинг ҳамкорликда таълим олиши методи замонавий педагогик технологияларининг асосий методларидан хисобланади ва талабаларнинг ўқув- методик комплекси асосида маълумотларнинг ахборот банки, назорат-синов банки, масофадан туриб таълим олиш, талабаларнинг мустақил ишларини тўғри ташкиллаштириш каби муаммоларнинг эчилишида қўл келади. Натижада талабаларни ўзини - ўзи бошқариш, ўзини - ўзи назорат қилиш, ўзини - ўзи ақлий ривожлантириш, ўзини - ўзи англиш каби педагогик муаммоларни эчиш механизmlари яратилади.

Турли хил мураккаблик даражаларида назорат топшириқлари эчими тўғрисида ҳар бир кичик гурӯх аъзоларининг фикрини тинглашнинг қўйидаги шаклларидан фойдаланиш мумкин:

биргаликда индивидуал: хар бир кичик гурӯҳ ўз фаолияти натижасини тақдим этади, эчимлар мухокма этилади ва улардан энг яхшиси танланади;

биргаликда кетма-кем: хар бир кичик гурӯҳ фаолиятининг натижаси муаммонинг умумий эчими учун зарур бўлган мустақил бўлак бўлиб ҳисобланади;

биргаликда - ўзаро алоқадорликда: тавсия этилганлардан гурӯхли эчимларнинг маълум жихатлари танлаб олинади ва улар асосида бутун жамоа учун умумий бўлган якун ишлаб чиқилади.

Таълим жараёни: - таълим берувчи (ўқитувчи) билан таълим оловчи (ўқувчи) ўртасидаги маълум мақсадлар асосида белгиланган билим ва кўникмаларни таркиб топтиришга йўналтирилган ўзаро таъсирлашув жараёнидир.

Таълим мақсади - таълим-тарбия натижаси сифатида ўқувчи эришиши лозим бўлган билим, кўникма, малака, ва шахсий фазилатларни белгилайди.

Унинг белгиловчи қуидаги элементлари мавжуд:

Фаолият - таълим оловчи фаолияти орқали ифодаланиб, таълим якунида бажара олиши лозим бўлган аниқ вазифалар қўрсатилади.

Шарт-шароит фаолиятни амалга ошириш учун таълим оловчига тақдим этиладиган керакли жиҳозлар, ўқув қўлланмалар, тарқатма ва тақдимот материаллари ва бошқалардан иборат [31-35].

ХУЛОСА.

Дарс жараёнида ўқитувчи тажрибани намойиш қилиш, мунозара усулларидан фойдаланиб, мухокама қилинганида, ўқувчиларнинг кўрган ва эшитганларининг 30-40% и эсида сақланиб қолади, машқлар ва назорат топшириқларини бажариш жараёнида ўқиган, ёзган, гапирганларининг 50% и ўзлаштирилиши мумкин.

Лойиҳалаш усули, интерфаол ва ишбилармонлик ўйини усулларидан фойдаланиб, замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан асосида ўтказиладиган машғулотлар анча самарали ҳисобланиб, улар натижасида оъқувчилар онгига маълумотларнинг 75% и сақланиб қолади. Ўқув - амалий машғулотларнинг ўқувчилар томонидан олиб борилиши ундан ҳам самаралироқ ҳисобланади, бунда 90% маълумот ўзлаштирилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Л.И. Бердиқулов, Академик лицейларда информатика ва ахборот технологиялари курсида ўқитишининг ноанъанавий шакллари ва

методларидан фойдаланиш методикаси // Гулистан - 2019

2. Арипов М., Мухаммадиев Ж. Информатика, информацион технологиялар // Олий ўкув юртлари учун дарслик. - Тошкент: ТДЮИ. 2004. -275 Б.

3. Аллаёров С.П., Раҳмонов С.Т., Қулмаматов С.И., Тоштемиров Д.Э. Информатика, ахборот технологиялари фанидан лаборатория ишлари. Методик кўрсатма. - Гулистан, 2003. - 123 б.

4. Арипов М.М., ва б. Информатика, ахборот технологиялари. Ўкув қўлланма, 1,2- қисм. - Тошкент, «Университет», 2007. - 264 б.

5. Арипов М.М., ва б. Информатика, информацион технологиялар. Ўкув қўлланма, 1-қисм. - Тошкент : «ТДТУ», 2002. -230 б.

6. Yusufovich G. Y., Shavkat o'g'li S. Y. CARTOGRAPHIC RESOURCES USED IN THE CREATION OF ELECTRONIC AGRICULTURAL MAPS OF FERGANA REGION //Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities. - 2023. - T. 11. - №. 3. - C. 1001-1009.

7. Abduvakhovich A. A., Shavkat o'g'li S. Y. IMPROVING THE METHOD OF MAPPING AGRICULTURE USING REMOTE SENSING DATA //Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities. - 2023. - T. 11. - №. 3. - C. 1093-1100.

8. Khakimova K. et al. Application of GIS technologies for improving the content of the tourist map of Fergana province, Uzbekistan //E3S Web of Conferences. - EDP Sciences, 2023. - T. 386.

9. Khakimova K., Yokubov S. CREATION OF AGRICULTURAL ELECTRONIC MAPS USING GEOINNOVATION METHODS AND TECHNOLOGIES //Science and innovation. - 2023. - T. 2. - №. D1. - C. 64-71.

10. Mamatqulov O., Qobilov S., Yokubov S. CULTIVATION OF MEDICINAL SAFFRON PLANT IN THE SOIL COVER OF FERGANA REGION //Science and Innovation. - 2022. - T. 1. - №. 7. - C. 240-244.

11. qizi Olimova D. S. et al. THEORETICAL BASIS FOR THE USE OF MODERN GIS TECHNOLOGIES IN THE CREATION OF NATURAL CARDS //RESEARCH AND EDUCATION. - 2022. - T. 1. - №. 4. - C. 4-10.

12. Mavlyankulova S. Z. et al. THE ESSENCE OF CARTOGRAPHIC MAPS IS THAT THEY ARE USED FOR CARTOGRAPHIC DESCRIPTION OF THE TERRAIN. GENERALIZING WORKS IN THE PREPARATION OF MAPS //RESEARCH AND EDUCATION. - 2022. - T. 1. - №. 4. - C. 27-33.

13. Alakhanov Z. M. et al. THE STATE CADASTRE FOR THE REGULATION OF INFORMATION RESOURCES FOR THE FORMATION AND

IMPROVEMENT //Educational Research in Universal Sciences. – 2022. – T. 1. – №. 1. – C. 47-53.

14. Arabboevna A. M., Shavkat o'g'li Y. S. The Use of Geoinformation Systems in the Study of the Land Fund of Household and Dekhkan Farms //Texas Journal of Multidisciplinary Studies. – 2022. – T. 8. – C. 163-164.

15. Khakimova K. R. et al. SOME TECHNOLOGICAL ISSUES OF USING GIS IN MAPPING OF IRRIGATED LANDS //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2022. – T. 10. – №. 4. – C. 226-233.

16. O'G'Lи S. Y. S., Zuxriddinovna M. S., Qizi A. S. B. THE USE OF MAPINFO PROGRAM METHODS IN THE CREATION OF CADASTRAL CARDS //Science and innovation. – 2022. – T. 1. – №. A3. – C. 278-283.

17. Ibayevich M. Q. Design of Foundations in Extremely Solid Soils //Texas Journal of Agriculture and Biological Sciences. – 2023. – T. 16. – C. 11-15.

18. Ibayevich M. Q. Свайные Фундаменты Сельскохозяйственных Зданий На Засоленных Грунтах //Central Asian Journal of Theoretical and Applied Science. – 2022. – T. 3. – №. 10. – C. 290-295.

19. Ibayevich M. K. В ГОРИЗОНТАЛЬНО ЗАГРУЖЕННЫЕ СВАИ В ЗАСОЛЕННЫХ ГРУНТАХ //Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities. – 2023. – T. 11. – №. 3. – C. 1085-1092.

20. Ibayevich M. K., Qizi E. M. A. Preparation of Maps for Tourist and Recreational Purposes Based on GIS Technologies //Central Asian Journal of Theoretical and Applied Science. – 2022. – T. 3. – №. 10. – C. 296-302.

21. Arabboevna A. M. et al. CREATION OF A SATELLITE GEODESIC BASE ON THE TERRITORY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN //Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities. – 2023. – T. 11. – №. 3. – C. 1033-1039.

22. Mukhriddinkhonovich A. Z. Actual Issues of Design of Small Towns in Uzbekistan //Central Asian Journal of Theoretical and Applied Science. – 2022. – T. 3. – №. 6. – C. 576-580. Akhmedov B. M. GEODETIC SURVEY NETWORKS (CREATING LEVEL-HEIGHT GEODETIC SURVEY NETWORKS IN ENGINEERING-GEODETIC RESEARCH FOR CONSTRUCTION) //Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities. – 2023. – T. 11. – №. 3. – C. 1040-1052.

23. Axmedov B. M. et al. Knauf Insulation is Effective Isolation //Central Asian Journal of Theoretical and Applied Science. – 2022. – T. 3. – №. 6. – C. 298-302.

24. Abbosxonovich M. A., Abduvaxobovich A. A. Measures for the

Protection of the Historical and Cultural Heritage of Fergana and the Mode of Monitoring of Cultures with the Help of Geoinformation Systems //Central Asian Journal of Theoretical and Applied Science. – 2022. – T. 3. – №. 6. – C. 342-348.

25. Abduvaxobovich A. A. Methods of Improving Physical and Mechanical Properties of Light Concrete on the Basis of Chemical Additives //Texas Journal of Multidisciplinary Studies. – 2022. – T. 8. – C. 165-167.

26. Abdurakhmanov A. A., Mirzaakhmedov S. S. H. DEVELOPMENT OF MECHANISM FOR CARTOGRAPHIC SUPPORT OF REGIONAL DEVELOPMENT //Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities. – 2023. – T. 11. – №. 3. – C. 1110-1118.

27. Rakhimjonovna K. K. et al. Creation of a database for the compilation of digital land Cadastral maps //Texas Journal of Engineering and Technology. – 2023. – T. 21. – C. 10-16.

28. Rakhimjonovna K. K., Komiljonovich B. A. The role, importance and role of ecotourism in the development of the state in foreign countries //Texas Journal of Philology, Culture and History. – 2023. – T. 18. – C. 51-59.

29. Turdikulov H. K. et al. CREATION OF ELECTRONIC DIGITAL MAPS BASED ON GIS TECHNOLOGIES //Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities. – 2023. – T. 11. – №. 5. – C. 1549-1561.

30. Kamariddinovich O. R. et al. IMPROVING METHODS FOR MAPPING IRRIGATION NETWORKS USING GIS TECHNOLOGIES //Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities. – 2023. – T. 11. – №. 4. – C. 691-699.

31. Musimovich S. M. et al. THEORETICAL AND PRACTICAL ISSUES IN CREATING POPULATION EMPLOYMENT MAPS USING GIS SOFTWARE //Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities. – 2023. – T. 11. – №. 3. – C. 1060-1068.

32. Rakhimjonovna K. K., Adhamjon o'g'li K. K. Meliorative Condition of Lands of Fergana Province //Central Asian Journal of Theoretical and Applied Science. – 2022. – T. 3. – №. 12. – C. 19-25.

33. Valievich M. X., Bakhodirjon o'g'li M. B. LARGE-SCALE ENGINEERING AND TOPOGRAPHIC PLANS //Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities. – 2023. – T. 11. – №. 3. – C. 1119-1125.

34. Мадумаров Б. Б., Манопов Х. В. НАЧАЛО РАБОТЫ С ARCGIS. ARCMAP //Central Asian Journal of Theoretical and Applied Science. – 2022. – T. 3. – №. 6. – C. 325-333.

35. Valievich M. H. Measurement Of Sediments Of Industrial And Civil Buildings And Structures By High-Precision And Accurate Levelling Of Short Rays //The American Journal of Engineering and Technology. - 2021. - T. 3. - №. 05. - C. 65-71.